



**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНИНГ**

4 – сонли баёни

Манзил: Ўзмилийбанк Бош офиси, Тошкент
шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй.

2020 йил “22” октябрь
Иш вақти: 10:30 – 12.30

“Ўзмилийбанк” АЖнинг акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари Насритдинходжаев Омонулло Забихуллаевич очди ва қуйидагиларни маълум қилди.

Банк Кузатув кенгаши томонидан 2020 йил 10 октябрдаги 35-сонли мажлис баёни билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда “Ўзмилийбанк” АЖ Уставига мувофиқ банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2020 йил 22 октябрда чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йиғилишни ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисидаги хабар 30.09.2020 йилда Банкнинг расмий веб-сайтида ҳамда Корпоратив маълумотлар ягона порталида жойлаштирилган, акциядорларнинг электрон почта манзилларига (e-xat орқали) юборилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 61-моддаси ҳамда Кузатув кенгашининг қарорига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2020 йил 16 октябрь куни деб белгиланган.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2020 йил 16 октябрь ҳолатига шакллантирилган.

2020 йил 16 октябрь ҳолатига банкнинг устав капитали 11 978 074 379 000 (ўн бир триллион тўққиз юз етмиш саккиз миллиард етмиш тўрт миллион уч юз етмиш тўққиз минг) сўмни ташкил қилади ва у 11 978 074 379 (ўн бир миллиард тўққиз юз етмиш саккиз миллион етмиш тўрт минг уч юз етмиш тўққиз) дона номинал қиймати 1000 (минг) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акциялар ташкил қилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (кворумга эга эканлиги) бўйича сўз Санок комиссияси раиси – Бахром Юсуповга берилди.

Санок комиссияси томонидан “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг реестрига кўра, 2020 йил 16 октябрь ҳолатига акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга 11 978 074 379 дона оддий акциялар эгаси бўлган 2 (икки) та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – 4 972 047 182 дона (41,5%) оддий акциялар ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси - 7 006 027 197 дона (58,5%) оддий акцияларга эгалик қилади.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссияси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 11 978 074 379 донасига ёки 100,0 фоизига эгалик қилувчи 2 нафар акциядор (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

Йиғилишга раислик қилувчи О.Насритдинходжаев “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва йиғилишда банк акциядорлари, Банк бошқарув аъзолари ва банкнинг масъул департамент директорлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг Ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди.

Йиғилиш Раёсати: О.Насритдинходжаев, Ш.Вафаев

Йиғилиш котиби: Б. Юсупов.

Санок комиссияси: Б.Юсупов, Ж.Мухаммадиев, А.Галлямова.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. “Ўзмиллийбанк” АЖ Банклараро ҳисоб-китоб маркази “Кутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларида ҳисоби юритилаётган, келгусида ундирилиш истикболи мавжуд бўлмаган кредит қарздорликлари қолдиғини ҳисобдан чиқариш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида.

2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши” тўғрисидаги Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.09.2017 йилдаги 1067фм-сонли фармойишига асосан арбитраж низо доирасида “White & Case LLP” юридик фирмаси харажатларини қоплаш тўғрисида.

Умумий йиғилишнинг иш тартиби қуйидагича белгилаб олинди:

Кун тартибига киритилган масала бўйича ҳисобот ва ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилди:

- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 30 дақиқагача;
- маърузалар бўйича муҳокомага – 10 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш учун - 5 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** - “Ўзмиллийбанк” АЖ Банклараро ҳисоб-китоб маркази “Кутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларида ҳисоби юритилаётган, келгусида ундирилиш истиқболи мавжуд бўлмаган кредит қарздорликлари қолдиғини ҳисобдан чиқариш юзасидан Банк бошқарув Раиси А.Мирсоатов маъруза қилди ва йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

Бугунги кунда “Ўзмиллийбанк” АЖ Банклараро ҳисоб-китоб маркази “Кутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларида ҳисоби юритилаётган умумий қиймати **67 154 753,24 АҚШ доллар, 1 424 143 944,00 япон йени** ва **9 152 430 075,12 сўмга** тенг бўлган миқдордаги, келгусида ундириш истиқболи мавжуд бўлмаган кредит қарздорликлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 138 моддасига биноан кредиторларнинг қарздор мол-мулки етарли бўлмаганлиги сабабли қондирилмаган талаблари ҳам қаноатлантирилган талаблар деб ҳисобланиши ҳамда Фукаролик Кодексининг 352-моддасига биноан юридик шахс (қарздор ёки кредитор) тугатилиши билан мажбурият бекор бўлишини ҳисобга олиб юқорида қайд этилган кредит қарздорликларни ундириш истиқболи мавжуд эмаслиги таъкидланди.

“Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом”га (Адлия вазирлигида 14.07.2015й. 2696-сон, 53-модда) мувофиқ агар қарздор томонидан балансдан ташқари моддаларда ҳисобга олинмаган актив бўйича қарз тижорат банки томонидан ушбу қарзни ундириш бўйича кўрилган барча чора-тадбирларга қарамасдан, у бу ҳисобварақларга ўтказилгандан кейин беш йил давомида тўланмаса, у ҳолда ушбу актив (асосий қарзлар ҳам, фоизлар ҳам) тижорат банки Кенгашининг акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган қарорига кўра ҳисобдан чиқарилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4540-сонли Қарорининг 8-банди талабларидан келиб чиқиб, мазкур кредит қарздорликларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги масала “Ўзмилийбанк” АЖ Бошқаруви (24.07.2020 йилдаги 94-сонли баённома) ва Кузатув кенгаши (10.10.2020 йилдаги 35-сонли баённома) томонидан кўриб чиқилган ва мазкур қарздорликларни ҳисобдан чиқариш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинган.

Кун тартибдаги **иккинчи масала** – “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида масала юзасидан Банк бошқарув Раиси А.Мирсоатов қуйидагиларни қайд этди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ахборотларни махфийлаштириш ва махфийликдан чиқариш мазкур Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган маълумотларнинг махфийлик даражасини аниқлаш ва белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом ва Ўзбекистон Республикасида махфийлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхатига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Шу муносабати билан, иш заруриятидан келиб чиқиб, банкнинг Кузатув Кенгаши аъзолари давлат сирини ташкил этувчи ва “махфий” тоифадаги ҳужжатлар/маълумотлар билан ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонунга асосан амалга оширилиши таъкидланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга қуйидаги мазмундаги қўшимча киритиш қайд этилди:

“Банкнинг Кузатув Кенгаши аъзолари томонидан давлат сирини ташкил этувчи ва “махфий” тоифадаги ҳужжатлар/маълумотлар билан ишлаш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонунга асосан амалга оширилади. Бунда, Кузатув Кенгаши томонидан кўриб чиқиладиган давлат сирини ташкил этувчи ва “махфий” тоифадаги ҳужжатлар, улар билан ишлаш учун махсус рухсатномага эга бўлмаган Кузатув кенгаши аъзоларига юқоридаги қонунга биноан таништирилмайди ва улар билан келишилмайди”.

Кун тартибдаги **учинчи масала** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 1067фм-сонли фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 26.08.2020 йилдаги №2799м-сонли топшириғига асосан, арбитраж низо доирасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилаётган “White & Case LLP” юридик фирмаси харажатларини қоплаш тўғрисида маълумот берилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хатлари ва тўлов инвойсларига асосан “White & Case LLP” юридик фирмасининг 4 527 398,54 АҚШ доллари миқдоридagi ҳаражатлари “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2020 йил 28 сентябрда тўлаб берилганлиги қайд этилди.

Кун тартибига киритилган масалани кўриб чиқиш натижасига кўра, банк акциядорларининг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. “Ўзмиллийбанк” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 24 июлдаги 94-сонли қарори ҳамда банк Кузатув Кенгашининг 2020 йил 10 октябрдаги №35-сонли қарори билан “Ўзмиллийбанк” АЖ Банклараро ҳисоб-китоб маркази “Кутилмаган ҳолатлар” ҳисоб-варақларида ҳисоби юритилаётган умумий қиймати 67 154 753,24 АҚШ доллар, 1 424 143 944,00 япон йени ва 9 152 430 075,12 сўмга тенг бўлган миқдордаги, келгусида ундириш истиқболи мавжуд бўлмаган кредит қарздорликлари қолдиғини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёклайман”- 11 978 074 379 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши” тўғрисидаги Низомнинг 34-бандига янги 3-хатбоши қилиб қуйидаги мазмундаги қўшимча (илова қилинади) киритилсин:

“Банкнинг Кузатув Кенгаши аъзолари томонидан давлат сирини ташкил этувчи ва “махфий” тоифадаги ҳужжатлар/маълумотлар билан ишлаш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонунга асосан амалга оширилади. Бунда, Кузатув Кенгаши томонидан кўриб чиқиладиган давлат сирини ташкил этувчи ва “махфий” тоифадаги ҳужжатлар, улар билан ишлаш учун махсус рухсатномага эга бўлмаган Кузатув кенгаши аъзоларига юқоридаги қонунга биноан таништирилмайди ва улар билан келишилмайди”.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёклайман”- 11 978 074 379 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 1067фм-сонли фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 26 августдаги №2799м-сонли топшириғига асосан “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилаётган “White & Case LLP” юридик фирмаси ҳаражатлари учун Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига тўлаб берилган 4 527 398,54 АҚШ доллари эквиваленти миқдоридagi ҳаражатлар (тўлов

санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича)
“Ўзмиллийбанк” АЖнинг 2020 йил натижалари бўйича келгусида акциядорларга
тўланадиган дивидендлар ҳисобидан (акциядорлар улушига мутаносиб равишда)
қоплашга розилик берилсин.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.
“Ёқлайман”- 11 978 074 379 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг
умумий йиғилиши раиси

О.З. Насритдинходжаев

Йиғилиш котиби,
Банк корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи

Б.М. Юсупов

Б. Имомов

Мирзобеков

Мирсоатов

Тўлеганов

Пўлатов Назим

санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича) “Ўзмиллийбанк” АЖнинг 2020 йил фаолияти натижалари бўйича келгусида акциядорларга тўланадиган дивидендлар ҳисобидан (акциядорлар улушига мутаносиб равишда) қоплашга розилик берилсин.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман”- 11 978 074 379 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

**“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг
умумий йиғилиши раиси**

О.З. Насритдинходжаев

**Йиғилиш котиби,
Банк корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи**

Б.М. Юсупов

санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича) “Ўзмиллийбанк” АЖнинг 2020 йил фаоляти натижалари бўйича келгусида акциядорларга тўланадиган дивидендлар ҳисобидан (акциядорлар улушига мутаносиб равишда) қоплашга розилик берилсин.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман”- 11 978 074 379 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

**“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг
умумий йиғилиши раиси**

О.З. Насритдинходжаев

**Йиғилиш котиби,
Банк корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи**

Б.М. Юсупов

“Ўзмилийбанк” АЖ акциядорларининг
2020 йил “22” октябрьдаги
4-сонли навбатдан ташқари умумий
йиғилишига илова

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши” тўғрисидаги Низомнинг 34-бандига киритилаётган (янги 3-хатбоши) қўшимча:

“Банкнинг Кузатув Кенгаши аъзолари томонидан давлат сирини ташкил этувчи ва “махфий” тоифадаги ҳужжатлар/маълумотлар билан ишлаш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонунга асосан амалга оширилади. Бунда, Кузатув Кенгаши томонидан кўриб чиқиладиган давлат сирини ташкил этувчи ва “махфий” тоифадаги ҳужжатлар, улар билан ишлаш учун махсус рухсатномага эга бўлмаган Кузатув кенгаши аъзоларига юқоридаги қонунга биноан таништирилмайди ва улар билан келишилмайди”.